

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАБИЕВ МУЗАФФАР АБДУМАЛИКОВИЧ**

**АВТОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА  
УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical science**

**Набиев Музаффар Абдумаликович**

Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобини  
такомиллаштириш.....3

**Набиев Музаффар Абдумаликович**

Совершенствование учёта готовой продукции и её реализации на  
предприятиях автомобильной промышленности .....29

**Nabiev Muzaffar Abdumalikovich**

Improving the accounting of finished products and their sales at the enterprises of  
the automotive industry.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАБИЕВ МУЗАФФАР АБДУМАЛИКОВИЧ**

**АВТОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА  
УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt261 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Холбеков Расулжон Олимжонович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хамдамов Баҳром Касимович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:** Фарғона политехника институти


Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «15» октябрь кунини соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)


Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (218 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «05» октябрь кунини таркатилди.  
(2021 йил «05» 10 даги 41 рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

  
**Ф.К.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳон иқтисодиётида автомобиллар ишлаб чиқариш ҳамда автомобиллар савдоси муҳим роль ўйнайди. 2017 йилнинг маълумотларига кўра, автомобилсозлик саноатининг дунё маҳсулотлари ҳамда ЯИМлардаги ҳиссаси мос равишда АКШда 12,3 % (12%) Германияда 6%, (14%) Японияда 10% (12%), Жанубий Кореяда 4.9% (10%) ташкил этади<sup>1</sup>. Биргина, 2017 йилда дунё бўйича 97302.5 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилган. Жаҳон иқтисодиётида автомобилсозлик саноатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан тайёр маҳсулотларнинг халқаро бозорларга чиқарилиши, экспорт операцияларининг амалга оширилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Халқаро бозорлар, жумладан, фонд биржаларининг энг муҳим талабларидан бири бу автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ тақдим этилишини талаб этилишидир. Шунинг учун, бутун дунёда автомобилсозлик саноати корхоналари томонидан бухгалтерия ҳисобининг асосий объекти бўлган тайёр маҳсулотлар, жумладан харидорлар билан шартномалар бўйича тушумларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқ тан олиш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттиришда илғор усуллардан фойдаланиши ўта муҳим ва долзарб масалага айланмоқда.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида захиралар, жумладан тайёр маҳсулотлар таннархи ҳамда уларнинг сотилиши жараёнларини ҳисобга олишнинг усулларини такомиллаштириш борасида муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида тайёр маҳсулотлар, уларнинг сотилишидан тушумлар, харидорлар билан дебиторлик қарзларини тан олиш ва баҳолашда муҳим қоидалар ва илғор усуллар тақдим этилиб, уларнинг халқаро стандартларга жорий қилинишига ҳамда молиявий ҳисоботларда тайёр маҳсулотлар ҳамда тушумларга оид ахборотларнинг сифати ва ишончлигини оширишга эришилди. Лекин, тайёр маҳсулотлар таннархини унификациялаш, нархларни белгилашда ягона ёндашув ҳамда молиявий ҳисоботларнинг барча талабларга жавоб берадиган форматлари ишлаб чиқилмаган, шунингдек, дунё даражасида тайёр маҳсулотлар ҳисобига оид илғор тажрибалар ҳамда бу борадаги халқаро стандартлар тамойиллари ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ жорий қилинишига эришилган эмас.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида автомобилсозлик саноати вужудга келди ва равақ топди. 2019 йили автомобилсозлик саноатининг республика ЯИМдаги ҳиссаси 6.6%ни, саноат секторидаги ҳиссаси эса 28.3%ни ташкил этди. Тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлаш ва уларни сотиш жараёнини ҳисобга олишнинг усуллари ишлаб чиқилди. Лекин, 2018 йил 1 январдан жорий қилинган 15-сон МҲХС «Харидорлар билан

---

<sup>1</sup> Behzad Saberi, The role of the automobile industry in the economy of developed countries, May 17, 2018. International Robotics & Automation journal. <http://medcraveonline.com/IRATJ/IRATJ-04-00119.pdf>

шартномалар бўйича тушумлар» стандарти мувофиқ тушумларни тан олишнинг янги тартибини қўллаш бўйича миллий стандартларга ўзгартиришлар ҳамда услубий тавсиялар ишлаб чиқилган эмас. Бундан ташқари тайёр маҳсулотлар ҳисоби бўйича илғор усулларни қўлланилиши ҳам суст даражада бормокда. Юқоридагиларнинг барчаси, жумладан, тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилиши ҳисоби усулларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш зарурияти мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сон «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорларида, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тайёр маҳсулотлар ҳисоби ва ҳисоботининг умумметодологик масалалари хорижий иқтисодчи-олимларидан М.Ф.Ван Бреда, Б.М.Нидлз, Э.С.Хендриксен, М.Р.Мэтьюс, М.Х.Перьералар томонидан<sup>2</sup>, тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш

---

<sup>2</sup> Э.С.Хендриксен. Международный учет и контроль. /Перевод и ред. проф. Д.М.Михайлова. 4-изд. М.: Аудитинформ, 2010. -572с.; М.Р.Мэтьюс, М.Х.Перера Теория бухгалтерского учёта. Перевод с англ. под ред. Я.В.Соколова, И.А.Смирновой. М.: Аудит, ЮНИТИ, 1999. -634с.; Heitger, Laster E. Cost accounting. Mc.Grow Hill. Inc. 2006. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учеб. пособие.-М.: ИНФРА-М, 2001- 635 с.; М.С.Шеремет, И.К.Сайфулин Методика финансового анализа. – М.: Аудит, 2003. – 156 с.;

<sup>2</sup> Ё.А.Абдуллаев ва бошқалар. Менежмент. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 2001 й. -704-б. А.З.Авлокулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.Т.: 2019.71-б.; К.Б.Ахмеджанов. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Т.: 2016. 42-б.; А.К.Иброҳимов., А.А.Каримов. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби.–Т.: «Ўзбекистон», 1999. -143 б.; Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари.-Т.: "Extremum-Press", 2012, -144 б.; Н.Ф.Каримов Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Дис. автореф. ... икт. фан. д-ри. – Т.: 2007.; С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Дис...икт.фан б д-ри. -Т.: ТМИ, 2018.; Ҳ.Н.Мусаев. Миллий иқтисодиётни янги босқичга кўтаришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни ва такомиллаштирилиши //Иқтисод ва молия. 2017 й. №12, -33-36-б.; М.К.Пардаев, И.Т. Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев. Бошқарув ҳисоби. -Т.: «Ғафур Ғулом» матбаа ижодий уйи. 2008 й.-252 б.; А.Ж.Туйчиев. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. – Тошкент. 2011. 71-б.; Уразов К.Б., Исроилов Ё.Ж.,

методологияси масалалари Хейтгер Ластер, тайёр маҳсулотлар ҳисобга оид МҲХСларини Россияда қўллаш масалалари Ю.А.Бабаев, Н.П.Кондраков, М.И.Кутер, Я.В.Соколов, М.С.Шеремет, А.Аверчев, А.Палий каби иқтисодчиларнинг илмий асарларида ёритилган.

Мамлакатимиз олимларидан Ё.А.Абдуллаев, Н.Б.Абсаломова, А.З.Авлокулов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Б.А. Хасанов, Н.Ф.Каримов, Д.К.Кудбиев, Б. Исроилов, Р.О. Холбеков, З.Н.Курбанов, М.Б.Калонов, С.У.Меҳмонов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Р.Д.Дусмуратов, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Уразов, Б.К.Ҳамдамов, К.Р.Хотамов, И.Н.Қўзиёв, Н.Ризаевларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин.

Юқоридаги олимларнинг ишлари катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Лекин, ушбу ишларда автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотларни таннархини ҳисоблаш хусусиятлари, халқаро стандартларга мувофиқ равишда тушумларни тан олиш ва баҳолашнинг методологик масалалари ҳамда тайёр маҳсулотлар ҳолати, шунингдек уларнинг сотилиши натижаларини молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларини тадқиқ қилиш асосида автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ҳамда уларни сотиш ҳисобининг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ҳисобига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан БҲМСларини МҲХСларига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

---

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011.-260 б. З.Н.Курбанов. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис..иқт.фан б д-ри. -Т.: БМА, 2006. - 272 б.; Д.К.Кудбиев. Проблемы анализа использования основных фондов в кооперативной торговле. Монография.-Т.: «Узбекистан», 1990.-128 с.; И.Н.Қўзиёв. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.; К.Р.Хотамов. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилинди такомиллаштириш. Монография. –Т: Молия, 2016.-168 б.; Н.К.Ризаев Внедрение международных стандартов (МСФО) в финансовых отчётностях банков. Материалы МНПК «Актуальные вопросы совершенствования системы учета, анализа и аудита в организациях». Минобразования и науки РФ и Тамбовский государственный университет. 13 февраля 2014 г., ст. 207-211.

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотнинг таннархи тушунчасига тавсиф бериш, унинг таркиби ва таснифий асосларини тадқиқ этиш;

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг илғор усулларини тадқиқ этиш ҳамда босқичли таннарх тизимини ишлаб чиқиш;

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва уларнинг кирими ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар сотиш ҳисоби усулларини ҳамда тушумлар ҳисобини халқаро стандартларга уйғунлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар сотилиши бўйича харидорлар ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари ҳисобини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси автосаноат тармоғига кирувчи корхоналарда ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими жумладан, тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисоби олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

4900 - «Даргумон қарзлар бўйича резерв»ни ҳисобга олувчи сёт таркибида барча савдо ва носавдо дебиторлик қарзлари бўйича ҳам даргумон қарзларнинг ҳисоби учун алоҳида ишчи сётларни очиш таклиф этилган;

автосаноат корхоналарида капитал таъмирлаш харажатларини объектнинг бошланғич қийматига олиб бориш орқали активларнинг хизмат қилиш муддати ҳамда меҳнат унумдорлигини 1.5 баробар ошириш асосланган;

1500 – «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»ни ҳисобга олувчи сёт таркибида захираларнинг харид таннархини тўғри шакллантириш ва маҳсулот таннархини тўғри аниқланиш учун алоҳида ишчи сётларни очиш таклиф этилган;

ҳисоб сиёсатига 1710 «Ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар ва комплектловчи буюмлар таннархи» ишчи сечини киритиш асосида ишлаб чиқариша чиқарилган материаллар ва комплектловчи буюмлар таннархини тўғри шакллантириш ҳамда назорат қилиш имконияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

халқаро концептуал қоидалар ва принципларга асосан тайёр маҳсулотлар ҳисобининг мақсади ва вазифаларининг белгилаб берилганлиги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш самарадорлигини оширган;

тайёр маҳсулотлар ҳисобига оид амалдаги Низом ва БҲМСлари такомиллаштириш борасидаги таклифлари тайёр маҳсулотлар ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;



автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш учун таклиф этилган счетлар ва уларнинг қўлланилиши бўйича бухгалтерия ёзувлари маҳсулот таннархни тўғрисидаги ахборотларнинг ишончилигини ва объективлигини оширган;

автосаноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ва сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи тўғрисидаги ҳисоботларнинг таркиби ва тузиш тартибининг ишлаб чиқилганлиги ахборот таъминотини яхшилаган;

автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотларни сотишдан тушган тушумни тан олиш, баҳолаш усулларининг такомиллаштирилганлиги молиявий натижаларнинг тўғрилиги ва шаффофлигини таъминлаган;

автосаноат корхоналарида узоқ муддатли дебиторлик қарзларини келтирилган (дисконтланган) қийматда акс эттиришнинг услубий тартиби бухгалтерия балансида олинган счетларни реал баҳолашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишончилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончилик талабларига жавоб бериши, «Uzavtosanoat» АЖ тизимидаги корхоналарнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, республикамызда «Бухгалтерия ҳисоби» фанларини илмий ҳамда назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар автосаноат корхоналарда тайёр маҳсулотлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

4900 - «Даргумон қарзлар бўйича резерв»ни ҳисобга олувчи сёт таркибида барча савдо ва носавдо дебиторлик қарзлари бўйича ҳам даргумон қарзларнинг ҳисоби учун алоҳида ишчи сётларни очиш бўйича таклифи «Узавтосаноат» АЖга қаршли «UzavtoComponents» МЧЖ ва Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Узавтосаноат» АЖга қаршли «UzavtoComponents» МЧЖнинг 2021 йил 15 июлдаги 18/48-сон ҳамда Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси 2021 йил 14 февралдаги 35-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлаш, ички ва ташқи ҳисоботларда акс эттирилаётган ахборотларнинг объективлиги ва сифатлилигини оширишга олиб келган;

автосаноат корхоналарида капитал таъмирлаш харажатларини

объектнинг бошланғич қийматига олиб бориш асосида меҳнат унумдорлиги ҳамда активларнинг хизмат қилиш муддатининг 1.5 баробар ошириш бўйича таклифи «Узавтосаноат» АЖга қарашли «UzavtoComponents» МЧЖ ва Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Узавтосаноат» АЖга қарашли «UzavtoComponents» МЧЖнинг 2021 йил 15 июлдаги 18/48-сон ҳамда Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси 2021 йил 14 февралдаги 35-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга ҳамда тайёр маҳсулотларга доир ахборотларнинг МҲХСларга мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилган;

1500 – «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»ни ҳисобга олувчи счёт таркибида захираларнинг харид таннархини тўғри шакллантириш ва маҳсулот таннархини тўғри аниқланиш учун алоҳида ишчи счётларни очиш бўйича таклифи «Узавтосаноат» АЖга қарашли «UzavtoComponents» МЧЖ ва Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Узавтосаноат» АЖга қарашли «UzavtoComponents» МЧЖнинг 2021 йил 15 июлдаги 18/48-сон ҳамда Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси 2021 йил 14 февралдаги 35-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши тушумлар тан олиш ва баҳолаш усуллари такомиллаштирилган ҳамда молиявий натижаларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилган;

ҳисоб сиёсатига 1710 «Ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар ва комплектловчи буюмлар таннархи» ишчи счётини киритиш асосида ишлаб чиқаришда чиқарилган материаллар ва комплектловчи буюмлар таннархини тўғри шакллантириш ҳамда назорат қилиш имконияти бўйича таклифи «Узавтосаноат» АЖга қарашли «UzavtoComponents» МЧЖ ва Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Узавтосаноат» АЖга қарашли «UzavtoComponents» МЧЖнинг 2021 йил 15 июлдаги 18/48-сон ҳамда Уз Семюнг Ко АЖ қўшма корхонаси 2021 йил 14 февралдаги 35-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларини МҲХСлари талабларига мувофиқ акс эттириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 160 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Автосаноат корхоналарида маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобининг назарий-услубий асослари**» деб номланган автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулот ҳисобининг концептуал масалалари, автосаноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни ҳисобининг мақсади ва вазифалари ҳамда автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулот ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Бугунги кунда автомобиль ишлаб чиқариш саноати Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Мутақиллик йилларида ташкил этилган «Ўзавтосаноат» Акциядорлик Жамияти (АЖ) иқтисодиётимизнинг яратувчанлик салоҳиятини намоён қилмоқда. «Ҳозирги пайтда компания таркибига 85 та корхона қиради ва 200 дан ортиқ хорижий корхоналар билан алоқалар ўрнатилган. «Ўзавтосаноат» АЖ 25 мингдан ортиқ иш ўринларини таклиф этган. Тармоққа Корея республикаси, Италия, Германия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлардан хорижий инвестициялар жалб қилинган. 15 дан ортиқ мамлакатга экспортни амалга оширади.»<sup>3</sup>

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистонда автомобил саноати фаолиятини таҳлил қилиб йўл кўйилган камчиликларга бир неча бор тўхталди, жумладан «соҳанинг қарзга ботганини, "Ўзавтосаноат"нинг бир неча корхонаси 2017 йилни зарар билан якунлаганини, машиналар экспортга ўз таннаридан паст қийматга сотиб келинганлиги, йилига 290 мингта машина ишлаб чиқарган завод, сўнгги вақтларда йилига 160-170 мингтага тушиб кетганлиги, хуллас, ҳукумат монополиялашган автосаноат иқтисодга фойда келтириш ўрнига зарарига ишлаётганини»<sup>4</sup> маълум қилган.»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397 «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳага илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув услубларини тадбиқ этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш бўйича 2019-2023 йиллар учун қатор вазифалар белгиланди. Уларнинг энг асосийларини қайд этамиз: енгил автомобилларни йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача кенгайтириш; Енгил

<sup>3</sup> О компании. <https://uzavtosanoat.uz/o-kompanii.html>

<sup>4</sup> <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-45006744>

автомобиллар маҳаллийлашуви даражасини ўртача 60 фоизга етказиш; Юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш йиллик ҳажмини 10 минг донагача ошириш; Автомобиллар экспорти йиллик ҳажмини 100 минг донага етказиш; Автомобиллар моделлар қаторининг янгиланиши; «TRADE-IN» дастурининг жорий этилиши ва бошқа вазифаларни қайд этишимиз мумкин. Ушбу қарорда соҳада корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари қўллаш вазифаси ҳам юклатилган. Корпоратив бошқарув ўз навбатида замон талабларига жавоб берадиган бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантиришни тақозо қилади. Бугунги кунда автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналарни замонавий корхоналарга айлантириш, бунинг учун эса бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) ўтказиш соҳа олдида турган энг муҳим долзарб масалалардан ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МХХС) жорий қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони муҳим аҳамият касб этди. Ушбу фармонга мувофиқ акциядорлик жамиятларига молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлари асосда тузиш, халқаро аудит стандартлари асосида аудитдан ўтказиш ва чоп этириш вазифалари юклатилган эди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида акциядорлик жамиятлари асосан миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни МХХСлар форматидаги ҳисоботларга трансформация қилиш йўли билан ҳисоботни туза бошлади. Бу асосан ташқаридан малакали мутахассисларни ёки халқаро аудиторлик компанияларини жалб қилиш орқали бажарилди. Ушбу мақсадларга акциядорлик жамиятларидан катта маблағлар йўналтирилди. Бугунги кунга келиб эса замонавий корхоналарда МХХС бўйича ҳисоботни трансформация йўли билан эмас, балки бевосита ҳисоб жараёнини МХХСлар бўйича ташкил қилиш асосида юритишга, бунинг учун эса кадрларни тайёрлашга зарурият юзага келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ҳамда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисобни юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни тақдим этишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилди.

Юқоридаги қарорларда кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш боробарида автомобиль саноати корхоналарини халқаро молия бозорларига чиқишига эришиш мақсадида МХХСларига тўлиқ ўтишини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

соҳадаги корхоналарни МХХСларига ўтказиш, барча ҳисоб объектларини МХХСлари асосида тан олиш, баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс этириш тартибига ўтиш;

автомобиль соҳаси корхоналарида тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблаш тартибини «Харажатлар таркиби тўғрисидаги» Низомдан 2-сон МҲХС «Захиралар» стандартида белгиланган тартибга ўтиш;

бизнинг амалиётимиз учун янги бўлган объектлар, жумладан инвестициявий мулк, молиявий инструменлар, жумладан молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар, ҳиссали инструменлар, шартли мажбуриятлар, шартли активлар, ходимларни рағбатлантириш, биологик активлар, солиқ активлари, ассоциациялашган компанияларга инвестициялар, инвестицияларни ҳиссали қатнашиш методи асосида баҳолаш, шартномавий активлар, адолатли қийматда баҳолаш каби объектларни халқаро стандартлар бўйича тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш;

МҲХСларини тушуниш ва қўллаш учун уларда келтирилган соҳага доир атамаларни қабул қилиш ва уларни қўллаш керак;

автомобиль саноати корхоналари ўзларининг МҲХСлари асосида ҳисоб сиёсатини шакллантириши лозим, бу жараён ўта муҳим ҳисобланади, чунки мукамал ҳисоб сиёсати МҲХСларига ўтишнинг сифат тавсифларини белгилаб беради;

автомобилсозлик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби хизмати бўлимнинг таркибий тузилиши, унинг бошқарувини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Молия ишлари бўйича менежерга тўғридан-тўғри бўйсинадиган молиявий ҳисоб ва ҳисоботи департаменти, бюджетлаштириш, таннарх ҳисоби, нарх (сегментал нарх) ва нархлаштириш бўлими, ички аудит менежери каби бўлимларни ташкил этиш, бўлимларнинг номларини замонавий номларда аташ керак;

автомобилсозлик корхоналари МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот форматлари (халқаро тажрибаларда ҳисобот шакллари эмас, ҳисобот форматлари дейилади) ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир корхона молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳисобот форматларини ишлаб чиқишда мустақил ҳисобланади. Бунинг учун эса молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари ва 1-сон БҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» қоидалар ва принципларга таянган ҳолда автомобиль ишлаб чиқаришда ҳисоб объектларининг хусусиятларини ҳисобга олиб ҳисобот форматларини ишлаб чиқиши керак;

агар автомобиль саноати корхоналари 31.12.2021 ҳолати бўйича халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисобот тақдим этиладиган бўлса, 01.01.2019 ўтиш нуқтаси бўлиши керак. Чунки, бунда ахборотларнинг таққосланувчанлиги таъмин этилиши керак бўлади. Таққосланувчанликни таъмин этиш халқаро стандартларнинг энг муҳим принципларидан бири ҳисобланади;

корхоналар МҲХСлари бўйича биринчи молиявий ҳисоботи халқаро стандартларни тўғридан-тўғри ифодалаганлиги ва унга сўзсиз мувофиқлиги тўғрисида эътироф этиш билан қабул қилинади. МҲХСларга ўтаётан ҳар бир корхона ушбу эътирофни қабул қилиши керак, ушбу эътирофни ўзлари буйруқлари ва АЖларида умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқлаш керак;

Автосаноат корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашда тизим билан усулларни бир-биридан ажратиш керак бўлади. Иккита йирик тизим амал қилади. Булар absorption costing ва variable costing киради. Молиявий ҳисобот мақсадларида absorption costing қўлланилади. Буюртмали (order job costing) ва жараёнли (process costing) усуллар катта тизимда қўлланиладиган маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг қуйи тизимлари ҳисобланади. Ушбу тизимларда маҳсулот таннархини ҳисоблашда ҳақиқий ва меъерий усуллардан фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### «Маҳсулот (иш, хизматлар)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги» Низомда тайёр маҳсулотлар таннархи элементларини такомиллаштириш бўйича таклифлар<sup>5</sup>

Амалдаги Низомда келтирилган таҳрирда	Таклиф этилади
2.3.14. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш	2.3.14. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар мутоносиб равишда ишлаб чиқариш, сотиш ва маъмурий-бошқарув харажатларига олиб борилади
1.5.1.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади	1.5.1.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва ўртача таъмирлаш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача) таъмирлашларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади

Ушбу жадвал асосида қуйидаги илмий таклиф ва хулосаларни келтиришимиз мумкин бўлади.

А. Низомнинг юқорида қайд этилган 2.3.14-бандига мувофиқ мол-мулк солиғи, сув учун тўлов бўйича харажатлар операцион харажатлар таркибига киритилган. Бизнинг фикримизча, ушбу харажатлар қайси фаолиятга боғлиқлигига қараб тақсимлаш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, мол-мулк солиғини ишлаб чиқариш, сотиш ва маъмурий фаолиятдаги мол-мулкларнинг ўртача йиллик қийматидаги ҳиссасига нисбатига қараб

<sup>5</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

тақсимлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу таклиф этилган ҳисоб-китобларни қуйидаги 2-жадвалда расмийлаштирамиз.

## 2-жадвал

### «Uzavtosanoat» корхоналарига мол-мулк солиғи бўйича харажатларни фаолият турларига тақсимлаш бўйича таклиф қилинган ҳисоб-китоблари<sup>6</sup>

(минг сўм ҳисобида)

Автосаноат корхоналари фаолият турлари	Мол-мулк ўртача йиллик қиймати	Ҳиссаси	Мол-мулк солиғи	Олиб бориладиган харажат тури
Ишлаб чиқариш	428425.0	64.7	7137.0	Автосаноат корхоналари умум ишлаб чиқариш харажатлари (2510)
Сотиш	85456.0	12.9	3418.2	Автосаноат корхоналари сотиш харажатлари (9410 с/т)
Маъмурий-бошқарув	148435.0	22.4	5937.4	Автосаноат корхоналари маъмурий-бошқарув харажатлари (9420)
<b>Жами</b>	<b>662315.0</b>	<b>100%</b>	<b>26492.6</b>	

Автосаноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятига оид бўлган мол-мулк солиғи харажатлари умумишлаб чиқариш харажатларига (устама ишлаб чиқариш) олиб бориш мақсадга мувофиқ. Устама ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархининг таркибий қисми бўлиб, бошқа тўғридан-тўғри харажатлардан фарқловчи энг муҳим хусусияти унинг у ёки бу маҳсулот турига, яъни таннархи объектига тўғридан-тўғри йўл билан идентификация қилиш (олиб бориш) имконияти бўлмаслигидир. Шу боис, устама ишлаб чиқариш харажатлари маълум тақсимлаш мезонлари, масалан, маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматига мутаносиб равишда маҳсулот турларига тақсимланади. Шу йўл билан мол-мулк солиғи бўйича харажатларнинг маълум қисми маҳсулот таннархига киритилади.

**Б.»** Харажатлар таркиби тўғрисида» ги Низомда асосий воситаларни жорий, ўртача, мукамал тузатишлари тўғрисида қайд қилинган ва маҳсулот таннархига олиб борилиши қайд қилинган. Мукамал тузатишлар тушунчасига аниқлик киритилмаган. Стандартларда жорий, ўртача ва капитал таъмирлаш тушунчаси амал қилади. Юқоридаги тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, фақат асосий ишлаб чиқариш воситаларининг жорий ва ўртача таъмир харажатларини маҳсулот (ишлар, хизмат) лар таннархига киритиш, мукамал (капитал) таъмирлаш харажатларини эса асосий ишлаб чиқариш воситаларининг баланс қийматига олиб боришни таклиф этамиз. Шу боис, Низомнинг юқоридаги қайд қилинган тааллуқли 1.5.1.2, бандига ўзгартириш киритиш, яъни «асосий воситаларнинг жорий ва

<sup>6</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

ўртача таъмирлаш харажатлари» жумласини киритиш керак бўлади. Натижада, амалдаги тартибдан фарқли ўлароқ, маҳсулот таннархи, давр харажатлари капитал таъмирлаш харажатлари суммасига камаяди. Чунки, капитал таъмирлаш харажатлари асосий воситаларнинг бошланғич қийматининг ошишига олиб борилади. Бу эса молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда солиқгача фойда суммасини, шунингдек фойда солиғига тортиладиган базанинг ошишига олиб келади. Молиявий натижаларнинг объективлигини оширади, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга сабаб бўлади.

Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулот таннархининг шаклланишида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳам муҳим омил ҳисобланади. Асосий воситалар ҳисобига оид бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида (5-сон БҲМС) капитал таъмирлаш ва капитал қуйилмалар тушунчалари келтирилган бўлиб, амалдаги тартибда капитал таъмирлаш харажатлари маҳсулот таннархига ёки давр харажатларига, капитал қуйилмалар (реконструкция ва техник қайта қуроллантириш) эса объектнинг таннархига олиб бориши қайд қилинган.

Бизнинг фикримизча, **халқаро тажрибалардан келиб чиқиб капитал таъмирлаш харажатларини ҳам объектнинг бошланғич қийматига олиб бориши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.** Капитал таъмирлаш барча ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш сифатининг, меҳнат унумдорлиги ёки активларнинг хизмат қилиш муддатининг ошишига олиб келади.

Шу боис, амалдаги стандартнинг 22, 47, 48-моддаларини ҳаммасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида битта бандда ёритишни таклиф этамиз.

Юқорида тайёр маҳсулотлар ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасидаги таклифлар тайёр маҳсулотлар ҳисоби бўйича илғор тажрибаларни қўллаш, халқаро стандартлар талабларига уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уни сотиш ҳисобини ташкил этиш»** деб номланган автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари моҳияти ва таснифланиши, автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар таннархини даврий тизимда ҳисобга олиш тартиби ҳамда автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотларни бирлиги таннархини ҳисоблаш тартиби ва тайёр маҳсулотлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Бугунги кунда автомобиллар ишлаб чиқариш соҳаси самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш муҳим омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва шу асосда таннархни камайтириш учун ушбу тушунчани илмий жиҳатдан асослаш, ишлаб чиқариш харажатларининг таркибини таҳлил қилиш, бу борада илғор тажрибаларни жорий этиш, тайёр маҳсулот таннархини



аниқлашнинг замонавий тизимларини қўллаш, тайёр маҳсулотларни адолатли (ҳаққоний) баҳолаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш харажатлар бу маҳсулот ишлаб чиқариш, товар хариди, хизматлар кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун сарфланган материал, меҳнат ва бошқа умумишлаб чиқариш ресурслари қийматининг пулдаги ифодасидир.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархини ташкил этади. Маҳсулот таннархи ҳам маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган харажатлар мажмуасидир.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» Низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

Бизнинг фикримизча, Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда келтирилган ушбу таснифлашда бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва устама харажатлар бир гуруҳга киритилган. Бизга маълумки, устама харажатлар бу билвосита ҳисобланади. Шунинг учун унинг таркибига бошқа бевосита харажатларни киритиб бўлмайди. Шу боис, билвоста моддий ва билвосита меҳнат харажатларини устама харажатлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш билан билвосита ҳам боғлиқликда бўлади. Келтирилган харажат моддалари ишлаб чиқариш харажатларининг тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларга таснифланишини инобатга олмаган. Тўғридан-тўғри харажатларга тавсиф келтирилганда «хом-ашё, ярим фабрикантлар, асбоб-ускуналар хариди» билан боғлиқ харажатлар киритилган. Хом-ашёларнинг хариди эмас, балки уларнинг ишлаб чиқаришга сарфланган қисми олиниши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари асбоб-ускуналарнинг хариди ишлаб чиқариш харажатлари билан алоқаси йўқ. Бундай харажатлар капитал харажатлар сифатида тан олинади. Шу боис, ушбу келтирилган таърифни ва таснифни такомиллаштиришга зарурият мавжуд.

Хермансон Р.Х. «ишлаб чиқариш харажатлари» атамаси эмас, балки «cost» (таннарх) ва «product costs» (маҳсулот таннархи) тушунчаларидан фойдаланилган. «Таннарх деганда, қўйилган мақсадларга эришиш учун фойдаланилган ресурсларнинг молиявий ўлчами» - деб таърифланган бўлса, «маҳсулот таннархи эса ишлаб чиқариш бирликларига сарфланган таннархдир»<sup>7</sup> - деб таъриф келтирилган.

---

<sup>7</sup> Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective/ Roger H.Hermanson, James Don Edwards, Michaeli. -6<sup>th</sup> ed. 1995/ 676-p.

Оствалт П.Ф ва Ларен Т.С.лар қуйидаги умумий бўлган таърифни келтиради: «Ишлаб чиқариш харажатлари – бу ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган барча ресурсларга сарфланган харажатларнинг суммасидир. Ишлаб чиқариш харажатлари учта категорияга таснифланади: тўғридан-тўғри материал харажатлари (direct materials cost); тўғридан тўғри меҳнат харажатлари (direct labor cost); ва устама ишлаб чиқариш харажатлари (manufacturing overhead) харажатлари.<sup>8</sup>

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари моҳияти ва таснифига доир ягона тўхтамга келинган фикрлар етарли эмас, бундан ташқари халқаро стандартларни мамлакатимиз амалиётига жорий қилишда тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда ягона услубий тартибга эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги ўрганишлар асосида ишлаб чиқариш харажатларига таъриф беришда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозим, деб ўйлаймиз.

**Биринчидан**, ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ, шунинг учун ҳам у ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. **Иккинчидан**, ишлаб чиқариш харажатларининг амалга оширилиши натижасида маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи шаклланади. Ишлаб чиқариш харажатлари маълум бир нуқтада маҳсулот таннархига ўтказилади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида кирим қилинади. Тайёр маҳсулотларни кирим қилиш ва таннархни ҳисоблаш бир вақтда амалга оширилади. **Учинчидан**, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатларидан таркиб топиб шакллантирилгандан кейин, унинг таннархига бундан кейин юз берган харажатларни қўшиш имкони бўлмайди. **Тўртинчидан**, бевоста харажатлар тўғридан-тўғри маҳсулот таннархига олиб борилади, чунки ушбу харажатлар таннарх объекти билан бевосита боғлиқ бўлади. Билвосита харажатлар эса таннарх объектига тақсимлаш йўли билан олиб борилади. Демак, маҳсулот таннархи бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларидан ташкил топади. **Бешинчидан**, ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланган ресурсларнинг (моддий ресурслар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар) пулдаги ифоланиши сифатида намаён бўлади. **Олтинчидан**, ишлаб чиқариш харажатларини тавсифлашда муҳим жиҳатни инобатга олиш лозим. Бу ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш захиралари ҳисобланган, хом-ашё, материаллар, маҳсулотларни қайта ишлашга йўналтирилади ва уларни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулотлар олинади. Натижада, қайта ишлаш харажатлари асосий хом-ашё ва материал билан уйғунлашиб, тайёр маҳсулотни юзага келтиради. Юқоридаги муаллифларнинг таърифларида айнан шу жиҳат етарли даражада инобатга олинмаган.

Ушбу тадқиқот жараёнида аниқланган хусусиятларини инобатга олиб ишлаб чиқариш харажатларига таъриф берамиз.

---


<sup>8</sup> Ostwald, P. F., McLaren, T. S. (2004), Cost Analysis and Estimating for Engineering and Management, Prentice Hall, ISBN 978-0-13-142127-1 [https://en.wikipedia.org/wiki/Manufacturing\\_cost](https://en.wikipedia.org/wiki/Manufacturing_cost)

**Тайёр маҳсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш харажатлари** – бу маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш захиралари ҳамда уларни қайта ишлаш учун сарфланадиган бевосита меҳнат ва бошқа билвосита сарфланган ресурсларнинг пулдаги ифодаси бўлиб, унинг натижасида маҳсулот таннархи шакллантирилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини таннарх объектларига олиб бориш усулига қараб: бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита (тўғридан-тўғри бўлмаган) ишлаб чиқариш харажатларга бўлинади.

**Бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлар** – бу аниқ таннарх объектига (автомобиль) иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан-тўғри олиб бориш мумкин бўлган харажатлардир. Масалан, автомобиль ишлаб чиқаришда автомашинанинг кузови, мотори ва бошқа эҳтиёт қисмлари, ҳамда шу турдаги автомобилни ишлаб чиқариш билан машғул бўлган ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи харажатлари бевосита харажатлардир. Ушбу харажатларни қайси автомобилни ишлаб чиқаришда сарфланганлигига қараб тўғридан-тўғри маҳсулот таннархига идентификациялаш мумкин. Айрим адабиётларда тўғри харажатлар ҳам тавсифланган.

**Билвосита харажатлар (тўғридан тўғри бўлмаган) харажатлар** – бу аниқ таннарх объектига иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан-тўғри олиб бориш мумкин бўлмаган, даставвал жамғариладиган (аккумуляцияланадиган), сўнгра автомобиль таннархига маълум асосланган мезонлари асосида тақсимланадиган харажатларга айтилади. Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш сифатини назорат қилиш бўйича инспекторнинг меҳнат ҳақи харажатларини битта автомобилнинг таннархига олиб бориб бўлмайди, чунки, у ходимнинг меҳнати бир нечта турдаги автомобилларнинг сифатини назорат қилишга боғлиқ ҳисобланади. Автомобиль ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи учта таннарх элементидан ташкил топади:



**1-расм. Тайёр маҳсулотлар таннархи элементлари<sup>9</sup>**

Демак, тайёр маҳсулот таннархи учта таннарх элементларининг йиғиндисидан иборат: тўғридан-тўғри материал харажатлари (Бевосита); Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари (Бевосита); Устама ишлаб чиқариш харажатлари (Билвосита).

<sup>9</sup> 2-сон БХХС «Захиралар» стандарти асосида муаллиф ишланмаси.

Захираларнинг харид таннархи маҳсулот таннархини шакллантиришда асосий омил бўлгани учун уни алоҳида ҳисобларда шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Захиралар харид таннархини тўғри шакллантирилиши маҳсулот таннархини тўғри аниқланишига имкон яратади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Захираларнинг харид таннархини аниқлаш учун таклиф этилаётган бухгалтерия ҳисоблари<sup>10</sup>

21-сон БҲМСга мувофиқ	Таклиф этилади	Берилган таклифларга изоҳ
1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»	1510 «Захиралар харид таннархи»	Захираларнинг харид таннархини аниқлаш учун
9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш»	1520 «Харид суммаси (ҚҚС ва бошқа чегириладиган солиқлардан ташқари)»	Таъминотчилардан харид қилинган ва бошқа келиб тушушларни ҳисобга олиш
9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар»	1530 «Харид чегирмаси»	Таъминотчилар томонидан тақдим қилган чегирма суммаларини ҳисобга олиш
	1540 «Харидларнинг қайтарилиши ва нархидан тушиши»	Таъминотчиларга қайтарилган захиралар ёки қайтарилмасдан улар томонидан нархнинг камайтирилиши суммаларини ҳисобга олиш учун
	1550 «Харид билан боғлиқ божхона божи, бошқа йиғимлар, декларация харажатлари»	Захираларни харид қилишда импорт пошлиналари (божхона божи), йиғимлар, декларация ва божхона оморларида сақлаш харажатлари тайёрлов
	1560 «Транспорт-тайёрлов харажатлари»	Захираларни транспорт харажатлари, ортиш-тушуриш ва бошқа харажатлари
	1570 «Сертификатлаш ва синаш харажатлари»	Захираларни харид қилишда сертификация қилиш ва материалларни синаб кўриш харажатлари
	1710 «Ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар ва комплектловчи буюмлар таннархи»	Ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар ва комплектловчи буюмлар таннархини аниқлашга мўлжалланган
	2210 «Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар таннархи»	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлаш учун
9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархини аниқлашга мўлжалланган

<sup>10</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги мисол асосида захираларнинг таннархини аниқлаш бўйича жараёнларни таклиф этилаётган бухгалтерия счетларида акс эттириш тартиби билан танишиб чиқамиз (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Автосаноатда захираларнинг харид таннархини аниқлаш жараёнини бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттириш тартиби<sup>11</sup>

Молиявий-иқтисодий операциялар	Счетлар корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
1. Умумий харид суммаси 277500 АҚШ долларини ташкил этади. Божхона ҳужжатларини расмийлаштирган кунда расмий курс 9528.49 сўмни ташкил этган. Харид суммаси Ўзбекистон сўмида 2 644 155 975 сўмни ташкил этади	1520	6010	2 644 155 975
